

## Сикилган табиий газ

Shartnoma № 2



Тупроккаля туман  
(shartnoma tuzish joyi)

2022 yil 28 yanvar  
(shartnoma tuzish sanasi)

«УРГАНЧ ГАЗ ЁКИЛГИ» МЧЖ (bundan buyon - "Bajaruvchi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **SHERMAT ATABAYEV SABIROVICH**, bir tomondan, va "O'ZERAECABLE" MCHJ QK (bundan buyon - "Buyurtmachi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **UMAROV SHERZOD XAZRATQULOVICH**, ikkinchi tomondan, birgalikda "Taraflar", alohida esa "Taraflar" deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

## 1. Товар (хизмат)ларнинг тўлиқ тафсилоти:

Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to'laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:

Shartnomaning umumiy miqdori Ikki million to'qqiz yuz to'kson to'qqiz ming to'qqiz yuz to'kson besh so'm 80 tiyin (summa so'zlar bilan).

№	Tovar nomi (xizmat)	Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikatsiya kodi va nomi	Tovar/xizmat shtrix kodi	O'Ichov birligi	Miqdori	Narx	Yetkazish bahosi	QQS		Yetkazish bahosi QQS bilan
								stavka	summa	
1	Сикилган табиий газ	02711001004000000 - Табиий газ		kub. metr	1 200,00	2 173,91	2 608 692,00	15,0000	391 303,80	2 999 995,80

1.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи» нинг автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдиришни, «Истеъмолчи» эса ўз вақт ида ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига оладилар.

1.2 «Истеъмолчи» автотранспорти сиқилган табиий газ билан тўлдирилган кун газ тўлдирилган сана ҳисобланади.

## 2. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий киймати, хом-ашёлар, моддий бойликлар, ёқилғи-энергетика ресурслари баҳоси ўзгарганда ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қарорлари ва норматив акт ларига асосан ўзгариши мумкин.

2.2. Сиқилган табиий газ 1 м.куб баҳоси (ҚҚС билан) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқни ҳисобга олган ҳолда 2500 сўм ни ташкил қилади.

2.3. «Истеъмолчи» автотранспортларини сиқилган табиий газ билан тўлдириш «Маҳсулот етказиб берувчи» нинг банкдаги ҳисоб рақамига 100% тўлов ўтказилгандан кейин «Маҳсулот етказиб берувчи»га тўлов ҳужжатларининг нусхалари ҳамда газ олиш учун ишончномани тақдим қилади. «Маҳсулот етказиб берувчи» унинг банкдаги ҳисоб варағига пул маблағлари келиб тушганлигини текшириб, ишончномада «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг бухгалтерияси ва маркетинг бўлими томонидан пул маблағлари ҳамда лимитлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар қайд қилинади ва шу асосида газ бериш учун уч нусхада рухсатнома расмийлаштирилади.

Рухсатноманинг биринчи «Маҳсулот етказиб берувчи»да, иккинчи нусхаси эса «Истеъмолчи»да қолади, учинчи нусхаси «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ёнилғи қуйиш шохобчасига тақдим қилинади ва белгиланган шаклдаги тарқатиш ведомости (раздаточная ведомость) бўйича амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. «Истеъмолчи» ГБУ (газобаллонли ускуна ГБО) билан жиҳозланган автотранспортларининг техник ҳолати ва техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, санитария ва экология хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:

а). ГБУ ўрнатилган автотранспортларни ва сиқилган табиий газдан фойдаланиш тўғрисидаги амалдаги тартиблар, техник ҳолатлар, кўрсатмалар ва қарорларини бажариш.

б). ГБУ ни ва автотранспортларини техник соҳа ҳолатда сақлаш.

в). Йўл варақасида автотранспортнинг техник соҳа ҳолати ҳақида белги қўйиш, баллонлар сони ва геометрик ҳажми тўғрисида маълумотларни кўрсатиш;

г). Автотранспортни сиқилган табиий газ билан тўлдириш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиш;

д). Баллонларнинг умумий сони ва геометрик ҳажми (+,-) 0,5 аниқликда авто-транспорт техпаспортида (маҳсус вкладыш) ёзиб қўйиш.

3.3. «Маҳсулот етказиб берувчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган табиий газ билан таъминлаш ва қабул қилишни ой давомида бир маромда, бир кунлик ўртача газ ҳажми миқдоридан амалга оширилади.

«Маҳсулот етказиб берувчи» АГНКС да жорий ва капитал таъмир ишлари бошланган тақдирда «Истеъмолчи» ни 3 кун олдин, ишга тушишидан 15 кун олдин огоҳлантиради.

3.4. «Маҳсулот етказиб берувчи» мажбуриятлари:

а). газ ускуналаридан тўғри фойдаланишни, автотранспортлардаги назорат-ўлчов асбобларини ва газни очиш-ёпиш арматуралари соҳа ҳолатини текшириш.

б). «Истеъмолчи» («Истеъмолчи» вакили) томонидан белгиланган қоидалар, газ тўлдириш регламенти, мазкур шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда автотранспортга сиқилган газ тўлдириш тўхтайтилади.

## 4. СИҚИЛГАН ГАЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи» автотранспорти тўлдирилган сиқилган табиий газ ҳажми «Маҳсулот етказиб берувчи» нинг ўлчов асбоблари орқали аниқланади, "Узнефтегаз" МХК томонидан 28.11.1995 йилда тасдиқланган 51-034-94 "Методики выполнения измерений расчета объема отпускаемого газа на АГНКС Рес.Уз." (Давстандарт да тасдиқланган (рег. 418 I 13.01.1995 г.) ва АГНКС да автотранспортларни сиқилган табиий газ билан тўлдиришда ҳажми аниқлаш жадвали".

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Сиқилган табиий газни қабул қилиш мазкур шартномада кўрсатилган ҳажмдан ошган тақдирда қўшимча шартнома тузилади.

5.2. Сиқилган табиий газ учун тўловларни амалга ошириш мақсадида «Истеъмолчи» мол-мулкни гаровга қўйиш, кафилик мажбуриятлари, «Истеъмолчи» қарзи эвазига мол мулк билан ҳисоблашиши нотариус томонидан тасдиқланган қўшимча шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

5.3. Томонлар мазкур шартномада белгиланган шартларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

## 6. ФОРС МАЖОР

6.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» ва «Истеъмолчи» қуйидаги ҳолатларда газ тўлдириш ва қабул қилиш ҳажмини камайтирганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди:

а). газ қазиб чиқариш конларида, магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида қўйилмаган авария ҳолатлари содир бўлганда;

б). магистрал газ қувурларида, шаҳар, туман газ тармоқларида, электр тармоқларида навбатдаги жорий ва капитал таъмир ишлари, синовлар ўтказилганда ва пайвандлаш ишлари даврида.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 Декабргача амал қилади.  
7.2. Шартнома икки нусхада тuzилиб, бир нусхаси «Маҳсулот етказиб берувчи» да, бир нусхаси «Истеъмолчи» да сақланади, ва бир хил аҳамиятга эга.  
Шартномада қўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича саволларни томонлар амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 23 январда № 2072-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидадини тасдиқлаш ҳақида»ги ҳужжатлари ёрдамида ҳал қилиши мумкин.  
7.3. Мазкур шартнома бўйича низолар ҳужалик судида, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## 8. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

### ЎРОСНИ

**Nomi:** «УРГАНЧ ГАЗ ЁКИЛГИ» МЧЖ  
**Manzili:** А.ИБРАГИМОВ 1-УЙ 4-ЙУЛАК  
**Tel.:**  
**Faks:**  
**STIR:** 301011903  
**OKED:** 47300  
**H/R:** 20208000904745766001  
**Bank:** УРГАНЧ Ш., "ХАМКОРБАНК" ОАТ БАНКИНИНГ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
**MFO:** 01020

### БУЮРТМАШИ

**Nomi:** "O`ZERAECABLE" MCHJ QK  
**Manzili:** КАРМАНА ТУМАН СИЭЗ НАВОИЙ  
**Tel.:** +998792200707  
**Faks:**  
**STIR:** 301423421  
**OKED:** 29310  
**H/R:** 20214000504820414001  
**Bank:** НАВОИЙ Ш., "АСАКА" ДАТ БАНКИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ  
**MFO:** 00206

№2005722262 28.01.2022 11:13:13  
**YUBORILGAN**  
АТАВАЙЕВ ШЕРМАТ САБИРОВИЧ  
operator: soliqservis.uz

№2005575771 31.01.2022 15:01:23  
**TASDIQLANGAN**  
УМАРОВ ШЕРЗОД ХАЗРАТКУЛОВИЧ